

ИНТРАВИТ ПРЕПАРАТИНИ БУЗОҚЛАРДА ҚЎЛЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Ғ.Жабборов – магистрант, А.Холиқов – илмий раҳбар, доцент

Мавзунинг долзарблиги. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда чорвачиликни айниқса, қорамолчилиқни доимий ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун охириги йилларда хўжаликларда мулкчилиқни турли шаклларида юқори маҳсулдор қорамол зотларини кўпайтиришга катта эътибор берилмоқда ва бунда подани тўлдириш учун ёш бузоқларни кўпайтириш ва соғлом ўстиришни эътиборга олиш жуда муҳимдир (Я.П.Масалькина, 2009; В.Д Соколов, 2010).

Бузоқларни етарлича озикалантормаслик, рациондаги озикалар сифатининг пастлиги ва уларнинг такомиллашмаганлиги организмда барча турдаги моддалар алмашинувини чуқур бузилишига олиб келади ва бунинг натижасида табиий резистентликни ҳамда маҳсулдорликни пасайишига сабаб бўлади. Оқибатда ёш ҳайвонлар турли касалликларга тез берилувчан бўлади, ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам кузатилади.

Адабиётлар маълумотларига қараганда организмда ҳаётий муҳим биологик фаол моддаларнинг етишмовчилиги кўпинча моддалар алмашинувининг яширин ҳолатда бузилишлари билан кечиши аниқланган.

Касалликларнинг бу босқичда диагноз қўйиш учун махсус лаборатор текшириш усулларида фойдаланиш тавсия этилади. (М.Э. Павлов, 2001; С.С.Азизова, 2000). Бузоқларда учрайдиган гиповитаминозлар ушбу касалликлар қаторига киради.

Бузоқларда учрайдиган гиповитаминозларни даволаш ва олдини олишга бағишланган кўплаб адабиёт маълумотлари мавжуд. Кейинги йилларда гиповитаминозларни даволаш ва олдини олиш мақсадида республикамиз ветеринария амалиётига чет эллардан кўплаб поливитаминли препаратлар олиб келинмоқда. Лекин бу препаратларни қўллаш усуллари ва дозаларини ўрганиш тўғрисида етарлича илмий изланишлар олиб борилмаган.

Татқиқотнинг мақсади. Интравит препаратининг бузоқлар организмиде физиологик ҳолатига ҳамда уларнинг ўсиш ва ривожланишига фармакологик таъсирини ўрганиш.

Татқиқот объекти ва усуллари. Тажрибаларимиз Бухоро вилояти Қорақўл туманидаги “Чорвадор Абдурашид Эргаш барака” чорвачилик фермер хўжалигида боқилаётган голштин-фриз зотига мансуб 3-4 ойлик бузоқларда бажарилди.

Тажрибалар учун 15 бош бузоқлар 3 гуруҳга ажратилиб 1–тажриба гуруҳидаги 5 бош бузоқларга Голландияда ишлаб чиқарилган интравит препаратидан 3 мл профилактик дозада мускул орасига, 2-тажриба гуруҳидаги 5 бош бузоқларга 5 мл даволовчи дозада мускул орасига юборилди.

3- назорат гуруҳидаги бузоқларга препарат қўлланилмади.

Интравит препаратининг 1 мл таркиби: А витамини 15000 ХБ, Д₃ витамини 7500 ХБ, Е витамини 20 мг, В₁ витамини 10 мг, В₂ витамини 5 мг, В₆ витамини 3 мг, В₁₂ витамини 60 мг, Д-пантенол 25 мг, никотинамид 50 мг, фоли кислотаси 150 мг, биотин 125 мг, холин хлорид 12,5 мг, аминокислоталар 12 мг ва эритувчидан иборат.

Барча гуруҳлардаги бузоқлар хўжалиқда белгиланган бир хил рационда парваришланди. Тажрибаларни бошланишида ва тажрибалар давомида ҳар 10 кунда бир марта тажриба ва назорат гуруҳидаги бузоқлар клиник текширишлардан ўтказилиб, ҳайвонлар умумий ҳолати, иштаҳаси, ошқозон-ичак тизими ҳолати ўрганилди.

Тарозига индивидуал усулда тортиш билан бузоқлар тана вазнинг ўзгариши аниқланиб борилди. Бузоқлардан олинган қон намуналарида эритроцитлар сони, гемоглабин миқдори, лейкоцитлар сони умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқотлар натижалари. Тажрибадаги ҳамма бузоқлар учун хўжалиқдаги мавжуд озуқалардан бир хил озуқа рациони тузилиб озиклантирилиб борилди. Бузоқлар физиологик ҳолати ҳар куни кузатувдан ўтказиб турилди. Экспериментлар давомида тажрибадаги бузоқлар физиологик ҳолатида кўзга ташланадиган ўзгаришлар кузатилмади.

Тажрибадаги бузоқлар организмга интравит препаратидан инъекция қилинганда бузоқларда моддалар алмашинув жараёнларини кучайиши, тирик вазнининг интенсив ўсишини таъминлади.

Тажрибадаги бузоқлар ўсиш интенсивлиги динамикаси

Кўрсаткичлар	Гуруҳлар		
	1-тажриба	2-тажриба	Назорат
Тажриба бошланишидаги ўртача тирик вазни, кг	110	128	131
Тажриба охиридаги ўртача тирик вазни, кг	132	152	151
Тана вазни умумий ўсиши, кг	22,0	26,0	20,0
Ўртача кунлик ўсиш, г	744,0	796,0	686,0
Назоратга нисбатан %	107,3	113,2	100,0
Озуқа сарфи, о.б.	9,65	9,0	11,0

Интравит препаратини қўллаш натижасида 2-тажриба гуруҳида бузоқлар тирик вазнини умумий ўсиши қайт этилди, у 24 кг ни ташкил қилди. Бузоқларни ўртача кунлик ўсиши тажрибадаги гуруҳида назорат гуруҳига қараганда 7,3-13,2 % юқори бўлди.

Ўтказилган текширишлар анализ қилганимизда, қўлланилган интравит препарати таъсирида юқорида белгиланган дозаларда гиповитаминозларни даволаш ва олдини олиш, ёш ҳайвонлар яшовчанлигини ошириш, физиологик ҳолатини яхшилаш ва тирик вазнини интенсив ўсиши каби жараёнларини активлаштирди ва сарфланган озуқа бирлиги 1,35-2,0 гача камайди.

Тажрибалар ўтказилаётган бузоқлар қонининг гематологик кўрсаткичлари ўрганилиб қўйидагилар аниқланди, тажриба бошланишида бузоқлар қонининг морфологик кўрсаткичлари физиологик нормал даражада бўлиб, тажриба охирида эса эритроцитлар сонини ва гемоглобин миқдорини кўпайгани аниқланди. Жумладан, эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори 1-тажриба гуруҳида 12,7 %, 2-тажриба гуруҳида 14,5 % кўпайганлиги, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткичлар 5,3 %ни ташкил этди.

Тажрибаларда интравит препаратининг даволовчи ва профилактик дозалари синовдан ўтказилганда ёш бузоқларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир этиши аниқланди. Агар тажриба бошида назорат ва 2-тажриба гуруҳида бузоқлар деярли бир хил тирик вазнга эга бўлган бўлса, тажриба охирида интравит препарат қўлланилган гуруҳда бу кўрсаткич 20,3% га тирик вазнини кўпайганлиги қайд этилди. Тажрибалар давомида бузоқлар бош сонини сақланиши 100% ни ташкил этди.

Хулосалар.

1. Интравит препаратини бузоқларга қўллаш натижасида ҳайвон организми резистентлигини оширади, интоксикациялар олди олинади ва овқат ҳазм қилиш органлар функциясини кучайтиради.

2. Белгиланган дозаларда қўлланилганда организмга салбий токсик таъсирини намоён этмайди.

3. Интравит препаратидан бузоқлар мускул орасига 3 мл даволовчи дозада ҳар 7 кунда қўлланилганда бузоқлар интенсив ўсишни таъминлайди ва тирик вазни оширади.

ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ СТРУКТУР ЯИЧНИКОВ У КАРАКУЛЬСКИХ ОВЕЦ

А.Касимова – студентка, Б.М.Нурмухамедов - к.в.н., ассистент,
Б.С.Алимов - ассистент

Аннотация. В статье приведены результаты исследований по изучению ово-фолликуло и лютиогенных функций яичников овец, а также установлено для сезонов года и